

СУВ ХЎЖАЛИГИДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН ЙЎҚ

2025 йил 15 январь куни Сув хўжалиги вазирлигида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.



Унда вазирлик марказий аппарати ва тизим ташкилотлари ходимлари иштирок этди. Вазир ўринбосари Д.Ходжихмедов коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви, уларнинг олдини олиш ҳақида сўз юритди. Йиғилишда коррупция жамиятни емирувчи иллат эканлиги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишга, демократия асосларига ва қонун устуворлигига тўсқинлик қилиши, жиноий оқибатлари аниқ мисоллар билан тушунтирилди.



Бугунги кунда халқаро жамоатчиликнинг коррупцияга қарши фаолияти, Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олиш, содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, қонунда белгиланган жавобгарлик турлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. Йиғилиш якунида сув хўжалигида коррупцияга ўрин йўқ эканлиги, уни коррупциядан холи соҳага айлантириш зарурлиги қатъий таъкидланди.

Ахборот хизмати

манба: <https://gov.uz/uz/suvchi/news/view/33085>